

2017 -2018 йиллар I-ярим йиллик яқунларига кўра Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг асосий фаолият кўрсаткичлари тўғрисида тахлилий МАЪЛУМОТ


Т/р	Асосий фаолият тури бўйича кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 й I-ярим йиллик амалда	2018 й I-ярим йиллик амалда	2017 йилнинг I-ярим йилликка нисбатан(%)
	Бажарилган иш хажми, жами	млрд.сўм	1035,9	1249,8	120,6
	шу жумладан:				
1	Инвеститсия дастури бўйича	млрд.сўм	172,6*	218,7*	126,7
		км	39,5	97,7	247,3
2	Тўла таъмирлаш ишлари	млрд.сўм	25,6	82,7	323,0
		км	21,5	21,5	100,0
3	Минтақавий йўлларни таъмирлаш	млрд.сўм	326,1	124,9	38,0
		км	2760,0	1342,7	49,0
4	Умумий фойдаланувдаги автомобил йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари	млрд.сўм	390,0	676,1	173,3
		км	850	1275	150,0
5	Саноат ишлаб чиқариш хажми	млрд.сўм	121,6	147,4	104,1
6	Янги ишжойларини яратиш	киши	221	232	105,0
7	Қора металл чиқиндиларини топшириш	тонна	8785	8792	100,0

* Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобига, хорижий пудрат корхоналари томонидан бажарилган иш ҳажми билан бирга

Кўмита тизимидаги корхона ваташкилотларда 2018 йилнинг I –ярим йиллиги давомида инвестиция дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларида 218,7 млрд. сўмлик қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Ушбу кўрсаткич 2017 йилнинг худди шу даврига нисбатан 126,7 фоизни ташкил этади.

Бундан ташқари тўла таъмирлаш дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларида 82,7 млрд. сўмлик таъмир ишлари бажарилди. Бу кўрсаткич эса ўтган йилининг I –ярим йилликка нисбатан 323,0 фоизга ошган.

2018 йилнинг I –ярим йиллик якунлари бўйича Республикамиздаги 1342,7 км минтақавий автомобил йўллари таъмирланди. Шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 41,0 км, Андижонда 185,7 км, Бухорода 111,9 км, Жиззахда 48,1 км, Қашқадарёда 114,9 км, Навоийда 91,1 км, Наманганда 143,9 км, Самарқандда 111,8 км, Сурхандарёда 173,6 км, Сирдарёда 36,7 км, Тошкент вилоятида 84,1 км, Фарғонада 121,8 км, Хоразмда 64,8 км ҳамда Тошкент шаҳрида 13,4 км минтақавий автомобил йўлларида таъмирлаш ишлари олибборилди. Минтақавий ички йўллар таъмири ҳажми эса ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 49,0 фоизни ташкил этади.



2018 йил I–ярим йиллик давомида Республикабўйича автомобил йўлларида 42695 км узунликдаги йўللardan 676,1 кмдан иборат қисмида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларнинг ҳолати яшиланди. Бу эса 2017 йилининг I–ярим йилликка қараганда 173,3 фоизни ташкил этади.

Кўмита тизимидаги корхонлар томонидан 2018 йил I–ярим йилликда 147,4 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Мазкур кўрсаткич 2017 йилининг I–ярим йилликка нисбатан 104,1 %ни ташкил этганлигини кўрсатади.

Тизим корхонлари томонидан 2018 йил I–ярим йилликда 232 та янги иш ўринлари яратилди. Бу кўрсаткич эса 2017 йилининг мос равишдаги тегишли даврига қараганда 105,0 фоизни ташкил этади.

Корхонлар томонидан қора металл чиқиндилари топшириш кўрсаткичи 2018 йил I–ярим йилликда 8792 тоннани ташкил этади. Бу – қарийб ўтган йилги даражада қолиб, камайишга йўл қўйилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари давлат кўмитасининг 2018 йил I–ярим йилликда – умумий бажарилган ишлар ҳажми– 1249,8 млрд. сўмликдан иборат. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг I–ярим йилликка нисбатан 120,6 фоизни ташкил этганлигини кўрсатади.